

## Сийрат дарслари (149-дарс). Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин!



17:05 / 13.08.2021 4871

550. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор кишини уйланган пайтида табрикласалар: **«Аллоҳ сенга муборак қилсин, барака берсин ва иккингиизнинг орангизни яхшилик билан жам қилсин»**, дер эдилар».

*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

551. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирингиз ўз аҳлига яқинлик қилишни ирода қилган пайтида: «Бисмиллаҳи. Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин, бизни ризқлантирган нарсангдан шайтонни четда қилгин», деса, агар ўшандан уларга фарзанд бериладиган бўлса, унга шайтон абадий зарар етказа олмайди», дедилар.**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

552. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шиғордан қайтарганлар. Шиғор – ўз қизини бошқа бир кишига у ҳам бунга қизини бериши шарти билан (никоҳлаб) беришдир. Бунда иккови орасида маҳр бўлмайди».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**